

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2018
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

МАТЕМАТИКА

А.ЮСУПОВА, М.РАҲМОНҚУЛОВА

Вазифаларни баҳолаш учун функцияларнинг хусусиятларидан фойдаланиш 5

М.АБДУМАННОПОВ

Иккинчи тартибли оддий дифференциал тенглама учун Бицадзе-Самарский ва биринчи тур интеграл шартли масала..... 10

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Р.Х.МАКСУДОВ, Ш.ШУХРАТОВ, Ш. ХОЛДОРОВ

Чўзилувчан камарли узатувчи механизм таранглигини ҳисоблашнинг бир усули ҳақида 14

КИМЁ

Л.ИЛЬИНА, Г.ЛАПТЕВ, Е.ЙИЛДИРИМ, С.ЗАЙЦЕВ

Кортексинг ишлов берилмаган микроорганизмларини молекуляр генетик таҳлил қилиш учун ДНКни изоляциялаш ва тозалаш усулларини оптималлаштириш..... 20

Х.ХАЙТБАЕВ, Б.БАБАЕВ, И.ЮЛДАШЕВ, А.ХАЙТБАЕВ

Трифенилфосфин бромидли комплекс туз синтези 24

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Б.ШЕРАЛИЕВ, З.ПЕНГ

Сирдарёдан тутилиб ўрганилган оддий қора балиқнинг *Schizothorax curvifrons* (Heckel, 1838) тана массаси ва тана узунлиги ўртасидаги боғлиқлик ҳамда нисбий тўйинганлик коэффициенти..... 27

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Р.ПИРНАЗАРОВ

Ўрта Осиёдаги тўғонли қўллар ва уларнинг генезиси ҳақида..... 32

ИҚТИСОДИЁТ

М.АДҲАМОВ

Сифат – иқтисодий ўсиш омилларидан бири 36

А.ҒОФУРОВ, Г.ХАЛМАТЖАНОВА

Кимё саноатини модернизация қилиш ва уни самарали ишлатишнинг инновацион жараёнига оид халқаро тажриба..... 40

ТАРИХ

С.ХОШИМОВ

Шўро ҳокимиятининг Бухородаги куч ишлатиш органлари тарихидан 45

Б.УСМОНОВ

Чукалак жанги 49

Х.ЖЎРАЕВ

Россия империясининг Фарғона водийсига рус аҳолисини кўчириб келтириш сиёсати тарихидан. ("Туркистон тўплами" манбалари асосида)..... 53

С.ИҮЛДОШЕВ

Халқ ўйинлари- маънавий тафаккур омили 56

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

У.НАЗИРОВ

Этномаданият ривожда анъананинг ўрни..... 60

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ ФАРҒОНА ВОДИЙСИГА РУС АҲОЛИСИНИ КЎЧИРИБ КЕЛТИРИШ СИЁСАТИ ТАРИХИДАН (“Туркестанский сборник” манбалари асосида)

Х.Жўраев

Аннотация

Мақолада “Туркестанский сборник” манбалари асосида XIX аср охири - XX аср бошларидаги Фарғона вилояти аҳолисининг ўсиш даражаси сабаблари, чор Россиясининг рус аҳолисини кўчириш сиёсати оқибатлари тадқиқ этилган.

Аннотация

В данной статье на основе материалов «Туркестанского сборника» исследованы причины роста населения Ферганской долины в конце XIX - начале XX веков, последствия политики переселения русского населения Царской России.

Annotation

In this article the reasons for the growth of the population of the Ferghana Valley in the late XIX th and early XX th centuries and the policy of the resettlement of the Russian population by Tsarist Russia are investigated on the basis of the materials of the “Turkestanskiy sbornik”.

Таянч сўз ва иборалар: Чор Россияси, “Туркестанский сборник” газетаси, империя, мустамлака, помещик, этник таркиб, посёлка, Туркистон генерал-губернаторлиги, ҳарбий истеҳком, кўчириш сиёсати.

Ключевые слова и выражения: Царская Россия, «Туркестанский сборник», империя, колония, помещик, этнический состав, поселок, Туркестанское генерал-губернаторство, военное укрепление, переселенческая политика.

Keywords and expressions: Tsarist Russia, “Turkestanskiy sbornik”, empire, colony, pomeshchik, ethnic composition, settlement, Turkestan general-governor government, military fortification, resettlement policy.

Мустақил Ўзбекистонда ижтимоий соҳаларда содир бўлаётган барча ўзгаришлар тарих фани олдида ҳам муҳим вазифаларни қўйди. Мустақилликка қадар яратилган дарслик ва қўлланмаларда Ватанимиз тарихи ҳаққонийликдан йироқ тарзда ёзилган бўлиб, совет мафкурасига асосланган эди. Мустақиллик тарихшунослар олдида халқимиз тарихини холис ва ҳаққоний ёритиш вазифасини қўйди. Шу маънода Фарғона водийсининг чор Россияси мустамлакачилиги даври тарихини ҳам комплекс ўрганиш, мустамлака шароитида Россия империясининг рус аҳолисини кўчириб келтириш сиёсати ва унинг зарарли оқибатларини мозийга қайтиб тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида Россиянинг мустамлакачилиги сиёсатида оид даври тарихи илмий равишда кенг тадқиқотлар асосида ўрганила бошланди. Аммо, ушбу давр ҳали мукамал таҳлил этилган эмас. Жумладан, Россия империясининг ўлкамизга рус аҳолисини кўчириб келтириш сиёсати кенг тадқиқ этилмаганлиги, бу сиёсий жараёнларга холисона баҳо бериш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. XIX аср охири - XX аср бошларида чор Россиясининг рус деҳқонларини Туркистон ўлкасига, хусусан Фарғона водийсига кўчириш сиёсати комплекс ўрганилмаган тадқиқотлар

туркумига киради. Шунингдек, русларни кўчириб келтириш сиёсати Туркистонда ижтимоий-сиёсий соҳада турли муаммоларни келтириб чиқарганлиги, маҳаллий аҳоли моддий-маънавий турмушига салбий таъсир этганлиги, ислом динига нисбатан мустамлакачиларнинг турли хил тўсиқларни пайдо қилиши янги тадқиқотларда мукамал очиб берилишини тақозо этмоқда.

“Туркестанский сборник”да XIX аср охири - XX аср бошларида Фарғона вилоятига рус аҳолисининг кўчириб келтирилиши ҳақидаги дастлабки маълумотлар 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилган вақтдаёқ пайдо бўлган. Аммо русларнинг Фарғона вилоятига оммавий кўчириб келтирилиши XIX асрнинг 80-йилларида ташкил этила бошланганлиги ўрганилган манбаларда ўз аксини топган. Бунга мисол қилиб қуйидаги воқеликни мисол қилиб келтириш мумкин. 1884 йилда “Туркестанский сборник”нинг 28 ва 39-сонларида берилган А.Розевнинг “На пути” номли мақоласида, кўчиб келувчилар учун бўш ерларни аниқлаш комиссияси маълумотлари берилганлигини таъкидлаш мумкин. Мақолада Фарғона вилоятига кўчириб келтирилиши лозим бўлган рус деҳқонларини жойлаштиришда муаммолар мавжудлиги, водийда аҳолининг

Х.Жўраев – ФарДУ тарих кафедраси ўқитувчиси.

зичлиги, унумдор ерлар асосан ерлик деҳқонлар ва катта ер эгаларининг хусусий мулки эканлиги қайд этилади. Ундан ташқари Фарғона водийсининг хусусий ерига эга бўлмаган ерсиз деҳқонлари сони ҳам анчагинани ташкил этганлигини қуйидаги фактлардан билиб олиш мумкин. Манбаларда келтирилишича, Фарғона вилояти ер майдони катта ҳудудга эга бўлса-да, бу майдоннинг аксарияти қумликлар, тоғликлар ва шўр, фойдаланилмай ётган ерлардан иборат эканлиги, ўша пайтда мавжуд бўлган икки миллиондан ортиқ вилоят аҳолисига деҳқончилик учун яроқли бўлган бир миллион десятина ер мавжудлиги, аҳоли сони бошига бўлганда 1,5 десятинадан ер тўғри келиши таъкидланади. Шунингдек, Фарғона вилоятида ерсиз деҳқонларнинг сони 300 минг кишини ташкил этиши кўрсатиб ўтилган [1.42-43].

Ушбу фактлардан кўриниб турибдики, Фарғона ҳудудига русларни кўчириб келтириш масаласи муаммоли ҳолатни келтириб чиқариши мумкин бўлган, аммо чор Россияси XIX асрнинг 90-йилларидан бошлаб водийга ҳам кўчириш сиёсатини бошлаб юборган.

Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, XIX асрнинг 90-йилларидан Биринчи жаҳон урушига қадар Фарғона вилояти аҳолисини уч баробар ортганлиги маълум қилинган. Аҳолининг ўсиши бир томондан табиий ўсиш натижаси бўлса, иккинчи томондан водий ҳудудига бошқа ўлкалар ва хориждан ўзга халқларни кириб келиш натижаси, деб хулоса қилиш мумкин. Чор Россиясининг кўчириш сиёсати натижасида Россиядан Фарғонага доимий яшаш учун кўплаб тоифадаги одамлар кўчиб келдилар. Бу ҳолат Фарғона вилояти аҳолисининг янада зичлашувиغا олиб келган. Бу ҳақда “Туркестанский сборник”да кўплаб маълумотлар берилганлигини кўришимиз мумкин. Тўпламда қуйидагиларни ўқиймиз: “Аҳолининг зичлиги жиҳатидан Фарғонани Россия империясининг бирон-бир ҳудуди билан тенглаштириб бўлмайди. Фақатгина Англия, Германия, Бельгия ва Швейцариянинг кўпсонли аҳоли пунктларинигина Фарғона аҳолисининг зичлиги билан қиёслаш мумкин” [2].

“Туркестанский сборник”да берилган кўплаб мақолаларда Фарғона вилояти аҳолиси таркиби, турли миллатларнинг урф-одати, уларнинг касби, хунари, деҳқончилик билан боғлиқ ерларда аҳоли ўртасидаги муаммоларга оид маълумотларни ҳам учратиш мумкин. XX аср бошларида рус тадқиқотчилари томонидан Фарғона водийси аҳолисининг миллий таркибининг ўрганилиши “Туркестанский

сборник”да ўз аксини топган. Юқорида қайд этилган маълумотларни “Туркестанский сборник”дан янада кенгроқ тарзда танишиб борар эканмиз, қуйидаги хулосалар келиб чиқади. Яъни, XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида чор Россиясининг кўчириш сиёсати натижаси ўлароқ Фарғона вилоятида аввалги минг йилликларга нисбатан этнодинамик жараёнларда кескин ўзгариш даври бўлди, деб айтиш мумкин. Эндиликда кўчиб келган янги оқим қишлоқ хўжалиги, саноат, маданият ва бошқа соҳаларга ҳам ўзининг кескин таъсирини ўтказган.

XIX аср охири - XX асрнинг бошларида Фарғона водийсида русийзабон аҳолининг сони бошқа миллатларнинг кириб келишига нисбатан кескин ўсиб борган. Бунинг асосий сабабларидан бири, Россия империясининг рус аҳолисини Туркистонга кўчириш сиёсати билан боғлиқ эди. Айниқса, Туркистоннинг мустамлакага айлантеририлиши бу ҳудудларни рус капиталистлари томонидан ўзлаштирилиши натижаси, деб ҳам хулоса қилиш мумкин.

Россия империясининг кўчириш сиёсати қатор сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий сабаблар билан ҳам боғлиқ эди. Рус халқиға мансуб аҳолининг нуфузини ошириш бу ерда чор Россиясининг ҳукмронлик мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак эди. Рус помешчиклари ерларига даъвогарлик қилаётган рус деҳқонларини марказий губерниялардан чекка ўлкаларга кўчириш, улар ўртасидаги ижтимоий зиддиятларни юмшатишга олиб келиши ва деҳқонлар норозилигининг келиб чиқиши олдини олиш лозим эди. Бундан ташқари, вақти-вақти билан Марказий Россияда рўй бериб турган ҳосилсизлик ва очарчилик рус миллатига мансуб аҳолининг стихияли равишда чекка ўлкаларга, жумладан Фарғона водийсига келиб қолишига сабаб бўлган.

Умуман олганда, чор Россиясининг рус аҳолисини кўчириш сиёсати Фарғона вилоятидаги мураккаб вазиятга қарамасдан тўхтовсиз давом этди. 1896 йилда қабул қилинган Туркистон генерал-губернаторлиги қонунига биноан, кўчириб келинганлар учун бир қанча имтиёзлар жорий қилинди. Жумладан, кўчиб келувчилар учун темирйўл кира ҳақи камайтирилган, уларни ҳарбий хизматга чақириш 3 йил муддатга кечиктирилган. Ушбу қонунда ўзбошимчалик билан кўчиб келишларга ҳам рухсат берилган, бироқ бундай кишилар юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёзлардан маҳрум этилганлар [3.84].

Кўчириш сиёсати Фарғона вилоятида янги рус посёлкаларининг вужудга келишига ҳам

ТАРИХ

сабаб бўлган. 1913 йилга келиб, Фарғона вилоятида 42 та рус посёлкаси бўлиб, бу посёлкаларда 12.648 кишидан иборат 2.323 оила яшаган. Уларнинг ихтиёрида 22.995 десятина экин майдонлари бўлган [4.21].

XX асрнинг бошларидан Биринчи жаҳон урушига қадар Россия империяси Фарғонага дастлаб ҳарбийлар, ерсиз деҳқонларни кўчириб келтирган бўлса, кейинчалик бошқа касб эгалари, ҳатто ишсиз юрган бекорчи, ишёқмаслар, хуллас, ҳар хил одамлар, ҳатто, жиноий гуруҳлар ҳам кўчиб кела бошлаган. Уларнинг орасида ишчилар, зиёлилар, тадбиркорлар, шунингдек, енгил ҳаёт кечириш илинжида келган одамлар ҳам бор эди. Натижада Фарғонада рус халқига мансуб бўлган аҳолининг сони кескин ортиб борди. 1913 йилга келиб вилоятда 50.769 нафар кўчириб келтирилган рус халқига мансуб аҳоли истиқомат қилганлиги манбаларда қайд этилади [4].

Кўчириб келтирилган рус аҳолиси шаҳарларга, қишлоқларга келиб жойлашганлар, баъзи ҳудудларда янги посёлкалар ташкил этилиб, яшай бошлашган. Руслар империяда ҳукмрон миллат бўлганлиги сабабли уларнинг турмуш шароитлари бошқа маҳаллий халқлардан яхшироқ бўлишлиги учун ҳукумат томонидан эътибор бериб турилган. Ҳатто бу ерга келиб жойлашган кўплаб рус деҳқонлари ҳам ҳукумат ёрдами билан нисбатан қисқа муддат ичида ўзларини тиклаб олишга, ҳатто мол-мулк орттиришга эришган.

Аммо шуни тан олиш керакки, рус аҳолисининг кўчиб келиши сабаб баъзи ижобий ўзгаришлар ҳам бўлган. Қишлоқ хўжалиги соҳасини олсак, руслар кириб келгандан сўнг экинларнинг янги турлари пайдо бўлганлиги, улардан эндиликда маҳаллий аҳоли ҳам ўзлаштира бошлаганлиги кўзга ташланади. Водийда қишлоқ хўжалигида сули, олманинг янги турлари, помидор, қанд лавлаги, картошка, маккажўхори ва бошқа экинлар ҳам экила бошланди. Асаларичиликнинг тез суратлар билан ривожланиб бориши ҳам асосан рус мухожирлари фаолияти билан боғлиқдир.

“Туркестанский сборник”да нашр қилинган материалларда турли соҳаларга оид кўплаб маълумотларни билиб олиш мумкин. Биз уларни илмий жиҳатдан кенг тадқиқ қилиб, кейинги мақолаларимизда эълон қилиш ниятидамиз.

Чор Россияси ҳукмронлиги йилларида замонавий посёлкалар, саноатлашган шаҳарларнинг пайдо бўлганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Биз тадқиқ қилаётган даврда вилоятда саноат корхоналарининг пайдо бўлиши, ривожланиши натижасида шаҳар аҳолисининг сони кўпайиб борганлиги, маҳаллий аҳолидан ҳам тадбиркор, ишбилармонлар чиқиб, кичик ишлаб чиқариш корхоналарига эга бўла бошлаганлиги ҳам диққатга сазовордир. Бундан ташқари, шаҳар аҳолисининг кўпайишига чоризмнинг кўчириш сиёсати, европа миллатига мансуб бошқа давлатлар аҳолисининг ҳам кириб келишининг ўсиши, ҳарбий истеҳкомларни барпо этиш сингари омиллар ҳам таъсир этган. Фарғона вилоятининг барча шаҳарларида аҳоли сони муттасил ошиб борган. Аҳоли уч баробардан ошган Қўқон шаҳри вилоятнинг муҳим иқтисодий марказига айланганлиги, 1913 йилга келиб шаҳарда 404.204 нафар аҳоли истиқомат қилганлиги ҳақида “Туркестанский сборник” маълумотларидан билиб олишимиз мумкин [4.3].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкин, “Туркестанский сборник”да келтирилган хилма-хил материаллар Фарғона водийси аҳолисининг этнодинамикаси, унинг ижтимоий-иқтисодий турмушида содир бўлган ўзгаришлар ҳақида кўплаб маълумотлар беради. “Тўплам”да Россия империясининг кўчириш сиёсати туфайли Фарғона водийсида маълум бир давр ичида содир бўлган ўзгаришларнинг акс эттирилиши, бу борада айрим факт ва рақамларга танқидий ёндашувни талаб қилса-да, ундаги асосий воқеликлар Фарғона вилоятининг ўша даврдаги сиёсий жараёнлар кечувидаги аҳоли ҳақида тасаввур пайдо қила олади, деган хулосадамиз.

Адабиётлар:

1. Жабборов М., Р.Арслонзода, Ш.Фафоров. Чор Россиясининг аҳолини Туркистонга кўчириш сиёсати (Фарғона водийси мисолида) // ФДУ. Илмий хабарлар. -Фарғона, 2000. -№ 1-4; Туркестанский сборник. – Т. 249. // Статистический обзор Ферганской области за 1913 г. -Скобелев. -1916 .
2. Вольной переселенческого дела, Туркестанской курьер. -1909, № 108. // ТС. – Т. 508.
3. Статистический обзор Фер.области за 1913 г. – Скобелев. -1916.

(Тақризчи: М.Исомиддинов, тарих фанлари доктори, профессор).